



**“Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ**

2024 йил 11 июль

2 - сонли

Олмалик ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2024 йил 9 июлдаги №15/1-1296/23-75 – сонли топшириғи тўғрисида.
2. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқаруви раисини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2024 йил 8 июлдаги 16-1296-хдфу-сон хатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024 йил 9 июлдаги №15/1-1296/23-75 сонли топшириғига мувофиқ Абдуллаев Фарход Равшановични “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимига тайинлаш чоралари кўрилиши белгиланган.

“Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамияти Президент қарори билан “Олмалик КМК” акциядорлик жамияти таркибидаги «Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда ташкил қилинган.

Комбинат вазифаларига литий, графит, вольфрам, тантал-ниобий, магний каби металллар хомашёсининг мавжуд захираларидан самарали фойдаланиш, уларни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот турларини амалдаги 15 тадан 48 тага ошириш киради.

Ф.Абдуллаев 1978 йилда туғилган, маълумоти олий, 1999 йилда Тошкент давлат техника университети бакалаврият дастурини муҳандис механик мутахассислиги бўйича тамомлаган.

1999-2000 йилларда Тошкент автомобил йўллари институтида муҳандис, 2008-2010 йилларда “ABN-MB” маъсулияти чекланган жамияти менежери, 2008-2010 йилларда “Green Line Profil” маъсулияти чекланган жамияти директори, 2010-2011 йилларда “Jako Industrial Group” маъсулияти чекланган жамияти директори, 2011-2018 йилларда “Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” (“Ўзиккиламчиранглиметалл”) акциядорлик жамияти бош директори, 2019 йилда “Toshrangmetzavod recycling” маъсулияти чекланган директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан буён Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокими лавозимида фаолият юритган.

Ф.Абдуллаев металлургия соҳасида бой тажрибага эга, “Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” (“Ўзиккиламчиранглиметалл”) акциядорлик жамиятида ишлаган даврида рангли металл парчаларини йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда жамиятда жисмонан ва маънан эскирган технологияларни модернизация қилиш таклифларини шлаб чиқишда бевосита иштирок этган.


Шунингдек, Ф.Абдуллаев Учтепа тумани ҳокими лавозимида ишлаётган даврида ўзининг лидерлиги, ташаббускорлиги, инсон ресурсларини бошқаришда замонавий усуллари қўллаш ва масалаларнинг ечими юзасидан тезкор ҳамда тўғри қарорлар қабул қила олиши каби хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбекистон технологик металллар комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимига **Абдуллаев Фарход Равшанович** номзоди тавсия этилади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024 йил 9 июлдаги №15/1-1296/23-75 - сонли топшириғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. “Ўзбекистон технологик металллар комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқаруви раиси этиб **Абдуллаев Фарход Равшанович** номзоди тасдиқлансин.

“Олмалик КМК” АЖ
бошқарув раиси

 **А. Хурсанов**